
Қурбон ҳайити намози ўқилиши муносабати билан Ўзбекистон туманидаги айрим кўчаларда транспорт воситалари ҳаракати вақтинча чекланади

Эртага, 28 июнь куни Ўзбекистон туманидаги 7 та жоме масжидида Қурбон ҳайити намози ўқилиши кутилмоқда.

Шу муносабат билан соат 03:00 дан 06:00 гача туманнинг айрим кўчаларида автотранспорт воситаларининг ҳаракати вақтинча тўхтатилади.

Хусусан,

Оқтепа МФЙ

“Оқтепа” масжиди олдидаги Алишер Навоий шоҳқўчасининг 20-километри.

Бозор Яйпан МФЙ

“Ҳожи Юсуф” масжиди олдидаги Улуғбек, Жасорат ва Гулшан ички кўчаларининг масжиддан 150 метр масофагача бўлган қисми.

Ислон МФЙ

“Фажрул Ислон” масжиди олдидаги Ибн Сино шоҳқўчасининг масжиддан 150 метр масофагача бўлган қисми.

Ўқчи дашт МФЙ

“Ўқчи” масжиди олдидаги Оби зилол кўчасининг масжиддан 150 метр масофагача бўлган қисми.

2023-06-27 09:26:47